

Куннинг муҳим воқеалари



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 декабрь куни Санкт-Петербург шаҳрида Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг навбатдаги йиғилишида қузатувчи давлат раҳбари мақомида иштирок этди.



Россия Федерациясига амалий ташриф доирасида Н.А.Римский-Корсаков номидаги Санкт-Петербург давлат консерваториясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Қирғиз Республикаси Президенти Саидр Жапаров ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмонга Лев Толстой номидаги Халқаро тинчлик мукофотини топшириш маросими бўлиб ўтди.

Санкт-Петербургдаги норасмий учрашувнинг маданий дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар раҳбарлари билан биргаликда «Эрмитаж» давлат музейига ташриф буюрди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат

Мирзиёев 22 декабрь куни Санкт-Петербургдаги «Эрмитаж» давлат музейида МДҲ давлатлари раҳбарларининг норасмий учрашувидан иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Россия Федерациясига амалий ташрифи тафсилотлари билан куйидаги QR код орқали батафсил танишинг:



УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ТАҲЛИЛИ



БОСИБ ЎТИЛГАН ДОВОНЛАРГА НАЗАР ВА ҚЎЗЛАНАЁТГАН ЧЎҚИЛАР УЧУН ЧИЗГИЛАР

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясида фаолиятдаги устувор вазифаларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Видеоконференция тарзида ўтган анжуманда Федерация, ҳудудий кенгашлар ҳамда тармоқ касба уюшмалари Республика кенгашлари, тасарруфдаги таъкилотлар раҳбарияти, Федерация аппарати бўлим мудирилари ва масъул ходимлари қатнашди.

Анжумани Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси Қўдратилла Рафиқов олиб борди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган ислохотлар ўзининг юксак натижаларини бермоқда. Бу эврилишлар Янги Ўзбекистоннинг янги касба уюшмалари ҳаётида ҳам ёрқин намоён бўлаётди.

Ўтаётган йил Ўзбекистон касба уюшмаларида тарихий воқеалар билан низоҳатда ёлди қолари сана бўлиб қолажак. Хусусан, шу йилнинг 17 октябрида Президент Шавкат Мирзиёевнинг касба уюшмалари фаоллари ва фахрийлари билан тарихий учрашуви соҳа фаолиятида янги даврни бошлади. Мазкур мулоқотда давлатимиз раҳбари тизимда эришилган натижаларни эътироф этар экан, соҳа иштироки учун қатор вазифаларни белгилаб берди, тизим ривожини учун муҳим та-

шаббусларни илгари сурди.

Шу кунни Қорақалпоғистон Республикаси Бўзатов туманида «Бўзатов» санаторийси фойдаланишга топширилгани мамлакатимизда инсон қадрига эътиборнинг нақадар юксак эканини намоён этди.

Ўзбекистон касба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги ҳамда 11 ноябрь – Касба уюшмалари кунини муносабати билан соҳа фаолларининг бир гуруҳи давлат мукофоти билан тақдирланиши ҳамда Президентнинг байрам табриги йўлланиши мазкур тарихий санага янада кўтаринки шукҳ бағишлади.

Айни вақтда касба уюшмалари мамлакатдаги демократик ўзгаришларга монанд равишда янгилашни бормоқда. Соҳа ҳаётидаги муҳим демократик жараён – касба уюшмалари етакчилари сайловларининг ўзига хос тарзда кечгани ҳам фикримизни исботлайди. Яқунланаётган йил барча бўғиндаги касба уюшмаларида сайловлар тарихида илк бор муқобиллик асосида ва яширин овоз бериш йўли билан ташкил этилди. Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг IX Қурултойи юксак савияда ўтказилди.

Ўзбекистон касба уюшмаларининг халқаро ҳамкорлик алоқалари ҳам кенгайиб бормоқда. Бу йил ҳам мазкур жараён изчил давом этди. Жумладан, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси

Халқаро касба уюшмалари Конференциясининг тўлақонли аъзолигига қабул қилинди.

Ўзбекистон касба уюшмалари Сув спорти саройида мамлакатимизда илк бор синхрон сузиш бўйича «Сув париси» ва сузиш бўйича I Марказий Осиё очик чемпионати ташкил этилди.

Халқаро ҳамкорлик дастури доирасида июнь ойида украиналик 100 нафар, июль ойида россиялик 100 нафар болалар Федерация тасарруфдаги «Анор» болалар соғломлаштириш оромгоҳида дам олдирилди. Халқаро «Дўстлик» фестивали юқори савияда ўтказилди.

Қирғиз Республикасининг Исикқўл вилоятида «Bo'ston Resort» дам олиш маскани фойдаланишга топширилгани эса икки мамлакат дўстлигининг яна бир рамзига айланди.

Анжуманда қайд этилганидек, мақсади мудом инсон қадрини улуғлашга қаратилган ушбу тизим 120 йиллик ўтмишини давомда бутунгидек эътибор ва ғамхўрликни ҳис этмаган. Бу шонли сана арафасида барча бўғинларда ташкил этилган анжуманларда, «Касба уюшмалари ёшлари – Янги Ўзбекистон бунёдкори» республика ёшлар форуми, шахмат бўйича «Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси кубоги» каби оммавий тадбирларда кўп бора эътироф этилди.

Мазкур сана муносабати билан

Ўзбекистон касба уюшмалари тарихи музейи кенгайтирилиб, қайта реконструкция қилинди ҳамда экспонатлар билан бойитилди. Тизим ўтмишини ўзида жо этган, шонли тарихни акс эттирган «120 йил халқ билан» ҳужжатли фильми суратга олинди. Таъсис этилган 120 йиллик эсдалик нишонининг кўплаб юртдошларимиз кўксини беагани эса улар қалбидан мазкур соҳага дахлдорлик туйғусини янада мустаҳкамлади.

Йиғилишда эришилган ютуқлар билан бирга соҳада ҳали амалга оширилиши лозим бўлган кўплаб долзарб вазифалар мавжудлиги алоҳида таъкидланди. Бу жараёнда Президентимизнинг касба уюшмалари фаоллари ва фахрийлари билан тарихий учрашувда белгилаб берган вазифалари юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларга жиддий эътибор қаратиш муҳимлиги уқтирилди.

Келгуси фаолиятда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг IX Қурултойида белгилаб олинган муҳим йўналишлар устувор аҳамият касб этиши яна бир бор мутасаддиларга эслатиб ўтилди.

Шунингдек, йиғилишда соҳа тараққиётига оид яна бир қатор вазифалар белгилаб олинди, уларнинг ижроси юзасидан қатъий топшириқлар берилди.

Ўз мухбиримиз

Ташаббус ва самара

ХОРАЗМДА КАСАБА УЮШМАЛАРИ БОҒИ

одамларнинг севимли масканига айланади



Президентимиз шу йилнинг 17 октябрида касба уюшмалари фаоллари ва фахрийлари билан учрашувда меҳнаткаш халқимизга чуқур ҳурмат ва эҳтиром ифодаси сифатида ҳар бир ҳудудда касба уюшмалари боғларини ташкил этишни тақлиф қилган эди. Шу боис Урганч туманида 20 гектар майдонда касба уюшмаси боғи барпо этилди.

Унинг очилиш маросимида вилоят ҳокими Жўрабек Раҳимов ҳамда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Бахтиёр Махмадалиев сўзга чиқиб, мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни алоҳида эътироф этдилар. Мазкур боғ меҳнат аҳлига чексиз ҳурмат ва эҳтиром рамзи эканини таъкидладилар.

Боғ ҳудудига касба уюшмаси, иш

берувчи ва давлат ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни ифодаловчи 9 метр баландликдаги стелла ўрнатилди.

Ҳудудни кўкаламзорлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Жами 35 минг тупдан зиёд 15 хил манзарали дарахтлар, жумладан, арча, қарағай, терак, гуҷум ва бошқа кўчатлар экилди. Шунингдек, боғ ҳудудига 3 минг тупдан ортиқ атиргул ўтказилди. Аҳоли учун қулай шароит яратиш мақсадида 6 километрлик йўлак

чалар барпо этилди, 60 та замонавий ўриндик ўрнатилди ҳамда дам олиш учун 3 та замонавий арбор қурилди. 140 та ёриткич чирогои ўрнатилди. Боғ ҳудудига 1,5 километр узунликда ариқ қазилиб, бетонлаштирилди. Болалар ва спорт майдончалари барпо этилди. Бунга 600 нафардан ортиқ ишчи-ҳодим-

нинг меҳнати сингди.

Боғ аҳоли сайр қиладиган, спорт билан шугулланадиган, маданий-маърифий тадбирлар ўтказиладиган севимли масканга айланиши аниқ.

Мухаббат ТўРАБОЕВА
«ISHONCH»



ҲАМКОРЛИК МЕМОРАНДУМИ

меҳнат ҳуқуқлари ҳимоясида
янги босқични бошлаб беради

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Ушбу ҳужжат ҳодимларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини самарали ҳимоя қилишда дастуриламал бўлади. Тарафлар меҳнат соҳасида давлат ва жамоатчилик назоратини уйғунлаштириш, миллий ва халқаро стандартларни кенг жорий этишни мақсад қилган.

Тадбир асноси сўзга чиққанлар Давлат меҳнат инспекцияси ва касба

уюшмалари инспекцияси бир-бирига рақобатчи эмас, аксинча, ҳамкор тузилмалар эканига алоҳида ургу бердилар.

Меморандум ижросини таъминлаш мақсадида ҳар йили «Йўл харитаси» ишлаб чиқирилиши, унинг бажарилиши юзасидан мониторинг ўтказилиши ва натижалар ОАВда эълон қилиб борилиши таъкидланди.

Мазкур ҳужжат ҳодимларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини янада мустаҳкамлаш, касба уюшмалари нуфузини ошириш, меҳнат бозорини шакллантириш йўлида муҳим қадам бўлди.

Феруза РАҲИМОВА
«ISHONCH»

Ўз минг отлиқ аскар қила олмаган ишни бир тўғри
тадбир билан амалга ошириш мумкин.
Амир Темур

Сарҳисоб

Касаба уюшмаси
аралашгач...

РЕСПУБЛИКА УЧ ТОМОНЛАМА КОМИССИЯСИ МАЖЛИСИ



2025 йил 20 декабрь куни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг катта мажлислар залида ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Б.Махмадалиев, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири ўринбосари Р.Турдибоева, Ўзбекистон иш берувчилари Конфедерацияси раиси О.Ашуров ва бошқалар иштирок этди.

Тадбирда «Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича Республика уч томонлама комиссия-

сининг 2023-2025 йилларда амалга оширган ишлари ҳақида», «Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича Рес-

публика уч томонлама комиссияси раислигининг Ўзбекистон иш берувчилари Конфедерациясига ўтиши ҳақида», «Халқаро меҳнат ташкилотининг «Пахта етказиб бериш замиридаги меҳнат соҳасидаги фундаментал тамойиллар ва ҳуқуқлар: RISE for Impact – янги босқич, янги қарашлар» лойиҳаси фаолиятини узайтириш тўғрисида»ги масалалар муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Таъкидланганидек, 2023-2025 йил-

ларда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раислигида Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича Республика уч томонлама комиссияси томонидан ижтимоий мулоқот ва ижтимоий шерикликни ривожлантириш, меҳнат қонунчилигини тақомиллаштириш ҳамда муносиб меҳнат тамойилларини илгари суриш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш йўналишларида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Хусусан, 2025 йилда хорижий давлатларнинг ўхшаш комиссия, қўмиталари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича илк қадам ташланди. Хусусан, Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича Республика уч томонлама комиссияси номидан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва Корея иқтисодий, ижтимоий ва меҳнат кенгаши ўртасидаги келишувга биноан, шу йилнинг 15-18 июнь кунлари кенгаш раиси Ги-сеоб Квон бошчилигидаги делегация юртимизда бўлди.

Ташриф чоғида «Ижтимоий мулоқотни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш» мавзусида семинар ўтказилди. Шунингдек, томонлар ўртасида меморандум имзоланди. Келгуси уч йилда комиссияга раислик қилиш Ўзбекистон иш берувчилари Конфедерациясига ўтиши муносабати билан Отабек Ашуров Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича Республика уч томонлама комиссияси раиси этиб сайланди.

Амир АХМЕДОВ

Фикр

Бугунги тез ўзгараётган даврда ҳуқуқий саводхонлик, хавфсизлик, барқарор даромад меҳнат муносабатларининг асосий мезонига айланди. Айниқса, энергетика, нефть-газ ва геология каби хавфлилик даражаси юқори саналган тармоқларда ҳуқуқий билимга эга бўлиш ҳаётий заруратдир.

ХОДИМ ҲУҚУҚИЙ САВОДХОН БЎЛСА...

Ходим меҳнат шартномаси мазмунини тушуниб, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини билса, иш жойида ишончли ва мустақил ҳаракат қила олади. У нафақат ишдан асоссиз равишда бўшатилишдан ўзини ҳимоя қилади, балки иш вақти, дам олиш, тўловлар ва имтиёзлар бўйича ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилишга қодир бўлади. Шунингдек, бахтсиз ҳодисалар ёки низолар юзага келганда ўзини ҳимоя қилиш механизмларини тўғри қўллайди, ҳужжатлар билан ишлашни, ариза ёзиш ва мурожаат қилиш тартибини аниқ билиб, шахсий манфаатини ҳимоя қилади.

Бундан икки йил илгари энергетика соҳасида фаолият юритадиган бир ходим меҳнат шартномаси билан тўлиқ танишмасдан, ҳуқуқларини англамасдан иш бошлаган. Қўп ўтмай, иш вақти ва қўшимча тўловларда муаммолар юзага келди. Агар вақтида шартномани тўлиқ ўқиб, тушуниб олганда у бундай вазиятга тушмасди. Яхшиямки, касаба уюшмаси юристлари ходимга ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиришди. Иш берувчи билан мулоқот ўтказилиб, масала ходим фойдасига ижобий ҳал этилди.

Афсуски, аксарият номзод ишга кириш чоғида шартнома билан тўлиқ танишмасдан имзо чекади. Оқибатда кейинчалик низога йўлқади. Шунинг учун ҳар бир ходим иш вазифалари ва лавозим йўриқномаси, иш вақти ва смена тартиби, иш ҳақи ва қўшимча тўловлар, дам олиш кунлари ва меҳнат таътили, интизомий чоралар ва ишдан бўшатилиш асосларини аниқ билиши зарур. Уларнинг ҳуқуқий билимини ошириш учун эса ишлаб чиқариш объекларида тез-тез ўқувлар ўтказиш лозим.

Корхоналардаги юристларнинг вазифаси фақат ҳужжат тайёрлаш эмас. Улар ишчи-ходимларга ҳуқуқий тушунтиришлар беришлари, низоларнинг олдини олиш учун профилактик тадбирлар ташкиллаштиришлари жоиз. Зеро, ҳуқуқий саводхонликни ошириш нафақат низоларни камайтиради, балки ишчилар ишончини оширади, иш берувчи ва ходим ўртасидаги муносабатни мустаҳкамлайди.

Бир сўз билан айтганда, ҳар бир муассасада ҳуқуқий саводхонликни ошириш бўйича тизимли ишлар олиб борилиши даркор. Бу нафақат зарурат, балки барқарор фаолият кафолати ҳамдир.

Сарвар САЙДОВ,
Энергетика, нефть-газ ва геология
ходимлари касаба уюшмаси
Республика кенгаши етакчи
юрисконсульти

ЖАВОҲИР СИНДОРОВ КАБИ МАШҲУР БЎЛАМАН

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент шаҳар кенгаши томонидан шахматнинг блиц тури бўйича 7 ёшдан 17 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида турнир ташкил этилди.



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Шахмат мактабининг 60 нафар ўқувчиси иштирок этган ушбу мусобақа ҳам айнан ёш авлоднинг мазкур спорт турига бўлган қизиқишини қўллаб-қувватлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Бундай тадбирларнинг ташкил этилиши ёшларнинг тақрибасини оширишда қўл келади, – дейди Шахмат мактаби директори Одил Каримов. – Ушбу тадбир кўп шогирдларимиз учун илк жиддий турнир саналади. Бизнинг асосий мақсадимиз

эса иқтидорлиларни саралаш ва уларни янада жиддий му-



собақаларга тайёрлаб боришдир.

– 4 ёшдан буён шахмат ўйнайман. Шу вақтгача ундан зерикмаганман. Мен Жавоҳир Синдоров каби машҳур бўламан, – дейди биринчи ўрин соҳиби Муҳаммадмустафо Фатхуллоев.

Мусобақа ёшларнинг интеллектуал курашуви майдони бўлди. Иштирокчилар кўтаринки кайфиятда қатнашишди. Бу уларни спортга жалб қилиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, қолаверса, юртимизда ёш спортчилар қўллаб-қувватланаётганининг исботидир.

Диёра РАВШАНОВА
«ISHONCH»

Эъзоза УМУРЗОҚОВА
олган суратлар

Тиббий кўрик

ОБОДОНЛАШТИРИШ ХОДИМЛАРИ СОҒЛИҒИ ЭЪТИБОРДА

Вилоят ҳокимлиги, Соғлиқни сақлаш бошқармаси ва Касаба уюшмалари Федерациясининг вилоят кенгаши ҳамкорлигида Фарғона шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси ишчи-ходимлари учун бепул тиббий кўрик ташкил этилди. Ходимлар кардиолог, невропатолог, уролог, пульмонолог, гинеколог, терапевт, эндокринолог, дерматолог сингари тор доирадаги шифокорлар назоратидан ўтдилар.

Очигини айтганда, соғлиғимизга кам эътибор берамиз. Шифокор кўригига вақтида бормаймиз. Лекин саломатлигимиз ҳақида қайғурадиган ташкилот – касаба уюшмалари борлигидан хурсандмиз, –

дейди Шоирахон Абдурахмонова.

– 15 йилдан буён кўча супурувчи бўлиб ишлайман, – дейди Соҳиббахон Тошматова. – Бизни доим касаба уюшмалари ҳар томонлама ҳимоя қилиб келган. Бу сафар ҳам саломатлигимизни ўйлаб, бепул тиббий кўрик ташкил этди. Ҳамкасбарим қатори мен ҳам шифокорлар назоратидан ўтдим.

Кўрик давомида даволанишга эҳтиёжи бор шахслар касаба уюшмалари томонидан сихатгоҳларда имтиёзли равишда даволаниши белгилаб олинди.

Жамшид ЭРҒАШЕВ
«ISHONCH»

СУД ҚАРОРИ ИШ БЕРУВЧИ УЧУН САБОҚ БЎЛДИ

Яқинда фуқаролик ишлари бўйича Шовот туманлараро суди ана шундай қарор қабул қилди.

Судда Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Нилуфар Салимова манфаатини қўзлаб, «Янгибоб» маҳалла фуқаролар йиғинига нисбатан даъво аризаси билан мурожаат қилди.

Нилуфар Салимова 2020-2022 йилларда Гурлан туманидаги «Янгибоб» маҳалла фуқаролар йиғинида оила, хотин-қизлар ҳамда ижтимоий-маънавий масалалар бўйича раис ўринбосари лавозимида фаолият юритган. Бироқ 2022 йил май ойида у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган.

Мазкур ҳолат юзасидан бир неча босқичли суд муҳокамалари бўлиб ўтган. Хусусан, Олий суднинг 2024 йил 26 мартдаги ажрими билан Нилуфар Салимовани аввалги лавозимида тиклаш тўғрисида якуний қарор қабул қилинган. Шунга қарамай, маҳалла фуқаролар йиғини суд қарорини белгиланган тартибда ижро этмаган.

Натижада ходим ишга тикланмаган, унга тегишли иш ҳақлари ҳам тўлаб берилмаган. Шу боис Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси

Республика кенгаши мажбурий прогнл учун иш ҳақи ўз вақтида тўланмагани сабабли пеня ҳамда маънавий зарарни ундириш ҳақида янги даъво аризаси киритди. Суд мажлисида инспекция ходимлари иштирок этиб, даъво талабларини тўлиқ қўллаб-қувватлади.

Фуқаролик ишлари бўйича Шовот туманлараро судининг 2025 йил 4 декабрдаги ҳал қилув қарорига мувофиқ, жавобгар – «Янгибоб» маҳалла фуқаролар йиғинидан Нилуфар Салимова фойдасига моддий ва маънавий зарарлар учун жами 281 миллион 123 минг 146 сўм пул ундириш белгиланди.

Бу меҳнат муносабатларида қонун устуворлиги таъминланиши, суд ҳужжатлари сўзсиз ва ўз вақтида ижро этилиши шарт эканини яна бир бор яққол намён этди. Айни пайтда, касаба уюшмаларининг ходимлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдаги ўрни ва аҳамияти қанчалик муҳим экани ҳам амалда исботланди.

Мурод ХУДОЙБЕРГАНОВ,
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши инспекцияси бўлим бошлиғи ўринбосари

ОЙЛИК, КОМПЕНСАЦИЯ ВА МАЪНАВИЙ ЗАРАР ТЎЛАБ БЕРИЛДИ

Жамоадаги зиддиятлар фаолият самараларини пасайиши, ишчилар соғлиғига зарар етиши билан боғлиқ асолатларни келтириб чиқаради. Бундай вазиятларда кўпроқ ходимлар кўмакка эҳтиёж сезади. Шу маънода Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Жиззах вилояти кенгаши меҳнат қонунчилиги бузилиши натижасида жабр кўрганларнинг ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоялашга қаратилган тадбирларни изчиллик билан амалга оширмоқда. Мана, бир мисол, «Ostex Jizzakh» МЧЖ тараф дастгоҳи оператори, Зомин туманининг Ҳамид Олимжон маҳалласида истиқомат қилувчи Элбек Пиримқуловнинг ишдан бўшатилиши билан боғлиқ ҳолат ўрганилганда корхона масъуллари адолат мезонини бузганлиги аниқланди. Натижада иш берувчига тақдимнома киритилди. Аммо Элбек Пиримқуловнинг «камчилик»лари рўқач қилиниб, уни ишга тиклашга оид талабимиз қондирилмади.

Бу жиҳат судга мурожаат этишимизга сабаб бўлди. Масалани атрофлича ўрганиб чиққан фуқаролик ишлари бўйича Зарбдор туманлараро суди даъво аризани қаноатлантириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди. Пировардида Элбек Пиримқулов иш жойига қайтди. Қолаверса, унинг фойдасига ноҳақ бўшатиш даврида тўланмаган 9 миллион сўм миқдоридagi

маоши ҳамда етказилган 3 миллион сўмлик маънавий зарарни ундириш белгиланди.

Шунга ўхшаш вазиятга «Жиззах Тоштепа-текстиль» МЧЖ ишчилари Раҳматулла Абдурахмонов, Дурдона Абдурахмонова, Шаҳзод Умнатқулов, Тоҳир Маҳкамов, Нилуфар Тиллаева, Бузайнаб Самадова, Феруза Тожибоева, Моҳигул Турдиева, Азизбек Раҳимов ҳам тушиб қолганди. Маълум бўлишича, корхонада иш ҳақини тўлаш ойлар давомида кечиктирилган. Ушбу муаммога ҳам суд орқали ечим топилди. Чунончи, жабрланувчиларга 7 миллион сўмдан 53 миллион сўмгача иш ҳақи, шунингдек, кечиктирилган маош учун компенсация ҳамда маънавий зарарни ундириш бўйича суднинг ҳал қилув қарори қабул қилинди.

Таъкидлаш жоиз, жорий йилда бўлишимиз томонидан жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган 233 та мурожаат кўриб чиқилди. Бу жараёнда 210 нафар ишчи ва ходимнинг бузилган ҳуқуқлари тикланиб, 910 миллион сўм миқдордаги иш ҳақи ва бошқа тўловлар ундирилишига эришилди.

Муҳаммадҷон ЖЎРАҚУЛОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Жиззах вилояти кенгашининг Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш бўйича бош мутахассиси

Ҳеч нима қилмайдиган одамгина хато қилмайди,
ҳолбуки унинг энг катта хатоси ҳам шудир.
Лев Толстой

«C5 + Япония» мулоқотидан кейинги ўйлар

ЎЗГАРАЁТТАН МАРКАЗИЙ ОСИЁ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Японияга расмий ташрифи тadbирларга бой бўлди. Давлатимиз раҳбари Япония пойтахтида мамлакат Императори Нарухито, Бош вазири Санаэ Такаичи, Парламентнинг икки палатаси раҳбарлари, парламентдаги Ўзбекистон билан дўстлик лигаси фаоллари, ҳукумат аъзолари, Нара шаҳри мэри ҳамда етакчи олий таълим даргоҳлари ректорлари билан учрашув ва музокара-лар ўтказди.



Ташрифнинг ишбилармонлик дастури доирасида Япониянинг йирик компаниялари, молия инсти-тутлари раҳбарлари билан бизнес форум ва икки томонлама учрашувлар бўлиб ўтди.

Икки давлат етакчилари томонидан Ўзбекистон – Япония муносабатларини сифат жиҳатидан янги bosқичга кўтарувчи Келажак авлодлар учун кенгайти-рилган стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма баёнот имзолиниши ташрифнинг асосий натижаси бўлди.

Таълим, соғлиқни сақлаш, экология, сув ресурслари, транспорт, шаҳарсозлик, туризм, қишлоқ хўжалиги ва табиий офатлар хавфини камайтириш соҳаларида сал-моқли келишувлар тўплами қабул қилинди.

Бу ҳақда дунё ҳамда мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида маълумотлар жуда кўп. Аммо «C5 + Япо-ния» мулоқоти Марказий Осие, хусусан, Ўзбекистонга қанчалик муҳим ва ундан қандай хулосалар чиқариш керак? Ушбу мақола шу ҳақда.

Марказий Осиёнинг жаҳон сиёсатидаги ўрни ва мавқеи аста-секин, аммо изчил ортиб борапти. Яқин-яқингача турли манфаатлар тўқнаш келаётган ва ташқи таъсирлар қаршисида ожиз қолаётган минтақа бугун тобора жиپслашиб, ўзини бир бутун сиёсий ма-кон сифатида намоён этапти.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Марказий Осиё ишонч, яхши қўшничилик ва прагматик ҳамкорлик ҳу-дудига айланди. Минтақа давлатлари раҳбарлари ўзаро рақобатдан воз кечиb, келажакни биргаликда барпо этиш ташаббусини қўллаб-қувватламоқдалар. Ана шу ички сиёсий жараён табиий равишда мамлакатлари-

янги қиёфаси – жаҳон билан ўзаро муносабатлар кон-фигурациясини ўзи белгилайдиган, масъулиятли ва мустақил иштироқчи сифатида шаклланаётганининг муҳим белгисидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Япония Марка-зий Осиёга глобал тартиб ғояси инқирозга юз тутаёт-ган бир пайтда қайта қадам қўймоқда. Бугун дунё геон-сиёсий парчаланиш bosқичига кириб бораётган, буюк давлатлар ўртасидаги рақобат эса ҳамкорлик тушунча-сини сиқиб чиқараётган бир шароитда яшаяпти. Қисқа муддатли ҳисоб-китоблар ва тор манфаатлар стратегик тафаккур ўрнини эгалламоқда. Ана шундай мураккаб вазиятда вазмин, институционал ва аниқ жараёнларга таянган япон ёндашуви яна бир бор ўз аҳамиятини на-моён этмоқда.

Саммитда сўзга чиққан Ўзбекистон Президенти Япо-ния бундан йигирма йил муқаддам «Марказий Осиё плюс» форматидagi мулоқот ташаббускори бўлганини эслатди. «Ушбу қарор стратегик жиҳатдан нақадар муҳим ва тўғри бўлганини вақтнинг ўзи кўрсатмоқда. Ушбу саммитимиз, ҳеч шубҳасиз, тарихий аҳамиятга эга ва ҳамкорлигимизда янги саҳифа очмоқда», дея таъ-кидлади давлатимиз раҳбари.

Шубҳасиз, мазкур таъкид Токиода бўлиб ўтган му-лоқотнинг асосий мазмун-моҳиятини ифодалайди. Гап ўтмишдаги тайёр схемаларга қайтиш эмас, балки ўзаро ҳамкорлик тамойилига мутлақо янгича қараш ҳақида бормоқда. Марказий Осиё энди бошқалар стратегиясининг объекти бўлишни истамайди. Мин-тақа ўз стратегиясини шакллантиришга, ўз манфаат-ларидан келиб чиққан ҳолда дунё билан мулоқот қи-лишга интиляпти.

Япония Бош вазири Санаэ Такаичи Мар-казий Осиёни геосиёсий ва иқтисодий аҳа-мияти тобора ортиб бораётган, Европа билан Осиёни боғлаб турувчи муҳим макон сифатида тавсифлади. Бу баёнот диплома-тик ҳушомаддан кўра, очиқ тан олинган геосиёсий ҳақиқатга яқинроқдир. Бугун жўғрофия яна тақдирга, Марказий Осиё эса глобал жараёнлар туташган стратегик нуктага айланапти.

Бироқ япон ёндашувининг принципиал фарқи шундаки, Токио таъсирни ҳукмрон-лик орқали мустаҳкамлашга интилмаяпти. У минтақада тўғридан-тўғри рақобат йў-лини танлагани ҳам йўқ. Аксинча, инсти-туционаллик, технологиялар трансфери, кадрлар тайёрлаш каби узoқ муддатли ҳам-корлик шаклларини тақлиф қияпти. Шу

жиҳатдан унинг ёндашуви икки қутбли танловлар, бо-сим ва геосиёсий тортишувлардан чарчаган давлатлар учун, айниқса, жозибалироқ кўриниши шубҳасиз.

Ана шу нуктаи назардан Ўзбекистон Президенти-нинг мунтазам саммитлар ўтказиши, 2040 йилгача мўл-жалланган қўшма стратегия ишлаб чиқиш, доимий экс-перт форумларини йўлга қўйиш ҳақидаги тақлифлари муҳим аҳамият касб этади. Бу тақлифлар алоҳида воқеаларни эмас, балки узoқ муддатли ҳамкорлик архи-тектурасини шакллантиришга қаратилган. Бу лаҳзалик манфаатлардан кўра, узoқни кўзлаган, барқарор пойде-ворга таянадиган меъморчилик дипломатиясидир.

Экология билан боғлиқ кун тартиби эса ушбу му-лоқотнинг энг муҳим йўналишларидан биринга айланди. Илгари иккинчи даражали, деб қараб келинган ҳаво си-фати, иқлим ўзгариши, сейсмик хавфсизлик каби ма-салалар бугун ижтимоий ва сиёсий барқарорлиқнинг

ажралмас омиллари сифатида эътироф этилмоқда. Чунки ҳавонинг ифлосланиши соғлиқни сақлаш тизимини заифлашти-риши, иқтисодий ўсишга зарба бериши ва энг муҳими, фуқароларнинг давлатга бўл-ган ишончини емириши мумкин. Шу маъ-нода экология масаласи гуманитар мавзу-дан чиқиб, миллий хавфсизликка дахлдор стратегик кун тартибига кўтарилмоқда.

Япония ушбу йўналишда Марказий Осиё давлатларига мониторинг тизимлари, эрта огоҳлантириш механизмлари, замонавий қурилиш стандартлари ҳамда мутахассис-лар тайёрлаш бўйича ўзининг бой тажриба-сини тақлиф этмоқда. Давлатимиз раҳбари «Агар кучлар бирлаштирилса, тоғларни ҳам ўз ўрнидан силжитиш мумкин», деган япон ҳикма-тини «Марказий Осиё + Япония» биринчи саммитидаги нутқида бежиз келтирмади. Агар саммитга айнан шу мантиқ нуктаи назаридан қаралса, мулоқотнинг маз-мун-моҳиятини англаш қийин эмас. Ўрни бу ҳамкор-лик декларатив баёнотларга эмас, пухта ҳисоб-китоб ва узoқ муддатли ҳаракатга таяниши лозим.

Бугунга келиб, «яшил» энергетикага ўтиш ҳам абстракт ғоя бўлмай қолди. Марказий Осиё келажак-нинг глобал иқтисодиётида тўлиқ иштирок этиш эко-логик мослашувни талаб қилишини тобора чуқурроқ англаб етаяпти. Чикиндиларни қисқартириш, қайта тикланувчи энергия манбалари улушини ошириш бўй-ича белгиланган максдалар замонавий трендларга эр-гашиш эмас, балки янги жаҳон технологиялари тилига мослашишга қаратилган зарурат сифатида баҳолан-моғи керак. Бу борада Япония ишончли ҳамкор сифа-тида мафқуравий босимсиз, аниқ технология ва стан-дартларни тақлиф этмоқда.

Мулоқотнинг рақамли таркибий қисми эса ҳамкор-лики янада юқори bosқичга олиб чиқиши мумкин. Бу-гун дунё рақамли таъсир доиралари томон ҳаракатлан-япти ва маълумотлар ҳамда инфратузилма устидан на-зорат таъминланмас экан, ҳеч бир давлат том маънода мустақил бўла олмайди. «Марказий Осиё – Япония» рақамли баҳани яратиш тақлифи – манёвр имконият-ларини сақлаб қолиш, бир томонлама қарамликдан қочиш ва кўп марказли рақамли архитектурани барпо этишга қаратилган стратегик жараённинг муҳим бир бўлағи. Минтақа учун бу технологик қулайлик масала-сидан ташқари, келажакдаги рақамли эгаменлик ҳамда мустақил қарор қабул қилиш қобиляти билан боғлиқ масаладир.

Логистика ва транспорт масаласи бизларни яна классик геосиёсат майдонига олиб кирмоқда. Транс-каспий йўналишини қўллаб-қувватлаш Евроосиё ма-конида хавф-хатарлар ва таъсир доираларининг қайта тақсимланишини англатади. Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев таъкидлаганидек, Осиё ва Евро-па ўртасидаги қуруқлик орқали ташилаётган юкла-ринг салмоқли қисми айнан Қозоғистон ҳудудидан ўтади. Шу маънода Марказий Осиё эндиликда транзит чекка ҳудуд эмас, балки барқарорлиги глобал таъминот занжирлари узлуксизлиги билан бевосита боғлиқ бўл-ган стратегик марказга айланмоқда.

Мулоқот давомида стратегик аҳамиятга эга мине-рал ресурслар масаласи ҳам муҳокама этилди. Дунё буг-ун ресурслар учун рақобат, айрим ҳолларда эса ресур-с миллийлашув bosқичига қадам қўймоқда. Ноёб ер эле-ментлари, уран ва бошқа стратегик материалларга эга бўлиш имкони тобора сиёсий салмоқ омилига айлан-

япти. Марказий Осиё учун эса фақат хомашё экспорт-чиси сифатида қолиб кетмаслик принципиал аҳамият касб этади. Япония томонидан қайта ишлаш ва техно-логик кооперацияга билдирилаётган қизиқиш имко-ниятлар эшигини очади, албатта. Бироқ бу имконият-дан самарали фойдаланиш учун Марказий Осиё давлат-ларининг ўз миллий sanoат стратегияси яратилиши муҳим аҳамиятга эга.

Мулоқот чоғида Афғонистон масаласи ҳам кўта-рилди. «Афғонистон ўзаро ҳамкорлигимизнинг яна бир муҳим йўналиши бўлиб қолмоқда. Уни тинч, барқарор ва бунёдкор ривожланиш сари бораётган мамлакат си-фатида қўриш борасидаги бизнинг интилишларимиз яқдилдир», дея таъкидлади Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Япониянинг Афғонистондаги етакчи донорлардан бири сифатидаги ролини алоҳида қайд этар экан.

Дарҳақиқат, Афғонистонни яккалаб қўйиш мин-тақадаги барқарорликка хизмат қилмайди. Аксинча, уни эҳтиёткорона, bosқичма-bosқич ижобий минтақа-вий жараёнларга жалб этиш кўпроқ самара ва камроқ хавф келтириши мумкин.

Айнан шу маънода C5+ формати принципиал жиҳат-дан янги мазмун касб этмоқда. У аънавий диплома-тик расмиятчилик доирасидан чиқиб, жамоавий стра-тегик танлов воситасига айланапти. Марказий Осиё эндиликда буюк давлатлар билан муносабатларни қа-рамлик мантиғи асосида эмас, балки манфаатлар муво-занати асосида курмоқда.

Минтақа Хитой билан кўлаш ва инфратузилма, Рос-сия билан хавфсизлик ва тарихий боғлиқлик, АКШ би-лан институционал ва сиёсий мулоқот, Европа Итти-фоқи билан меъёрлар, бозорлар ва тартибга солиш, Япония билан эса технологиялар, стандартлар ва узoқ

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Япония Марказий Осиёга глобал тартиб ғояси инқирозга юз тутаётган бир пайтда қайта қадам қўймоқда. Бугун дунё геосиёсий парчаланиш bosқичига кириб бораётган, буюк давлат-лар ўртасидаги рақобат эса ҳамкорлик тушунчасини сиқиб чиқараётган бир шароитда яшаяпти. Қисқа му-датли ҳисоб-китоблар ва тор манфаатлар стратегик тафаккур ўрнини эгалламоқда. Ана шундай мураккаб вазиятда вазмин, институционал ва аниқ жараёнларга таянган япон ёндашуви яна бир бор ўз аҳамиятини на-моён этмоқда.

муддатли ҳамкорлик ришталарини изчил шакллантир-моқда.

Бу ёндашув рақобатдош форматлар ййгиндисигина эмас, балки ягона дипломатик матрицанинг ўзаро уй-гун унсурларидир. Марказий Осиё уларни бир-бирига қарши қўймайди, аксинча, ҳар бир шерикнинг роли ва функциясини аниқ белгилайди. Ана шу тарзда Марка-зий Осиёнинг янги дипломатияси вужудга келмоқда. Бу – юқори даражадаги ички мувофиқлашув ва сиё-сий етуқлики талаб қиладиган нозик жараён. Бироқ амалда бу йўлнинг муқобили ҳам йўқ.

Япония билан мулоқот эса ушбу тизимда алоҳида ва-зифани бажаради. У тарихий ҳамда ҳарбий-сиёсий зид-диятлардан холи. Шу боис у келажакни синаб қўриш мумкин бўлган ўзига хос лабораторияга айланса, ажаб эмас. Бу майдонда экологик сиёсатдан тортиб рақамли мустақилликкача бўлган узoқ муддатли ҳамкорлик мо-делларини синовдан ўтказиш мумкин.

Келажак сценарийлари айнан шу салоҳият қай дара-жада рўёбга чиқишига боғлиқ. Инерцион сценарий му-лоқот декларациялар ва алоҳида лойиҳалар даражасида қолиб кетишини назарда тутади. Оптимистик сцена-рий форматнинг институционаллашуви ва реал инвес-тицияларнинг ўсишига олиб келади. Стратегик сцена-рийга кўра эса, Япония «тинчлик мезони»га, Марказий Осиё эса манфаатларни мувофиқлаштирувчи очиқ ма-конга айланади.

Шу ўринда табиий савол туғилади: бундай мулоқот-лар Марказий Осиё учун нима беради? Жавоб аниқ: ушбу мулоқотлар ўз-ўзидан тараққиётга элтмайди. Улар имконият яратади. Ривожланиш эса ана шу имко-ниятлардан қандай фойдаланишимизга боғлиқ. Агар минтақа ўз кун тартибини ўзи белгилай олса, ташқи ҳамкорлики ички ислоҳотлар, sanoатлашув, таълим, технология ва инсон капитали билан уйғунлаштирса, ушбу мулоқотлар ривожланган дунёга қўшилиш йўлида ташланган реал қадамга айланади. Акс ҳолда, чиройли баёнотлигича қолиб кетади.

Марказий Осиё бугун айнан шу танлов ол-дида турибди. Фаровон ҳаёт, барқарор иқтисод, глобал занжирларда муносиб ўрин билан боғлиқ орзуларимиз бор. Жўғрофия, ресурслар, ёш демография, ташқи дунёнинг қи-зқиқлидек имкониятларимиз ҳам. Кейинги ва-зифа – шу икки омилни бир нуктада бирлашти-риш, назаримда.

Жаҳонгир НАХАНОВ
«ISHONCH»

ДУНЁНИ МЕХР ҚУТҚАРАДИ

Норинлик Гулшаной Ҳакимова (исм-фамилияси ўзгартирилган) уч нафар фарзанднинг онаси. Тўнғичи 2-синф ўқувчиси, кенжаси 3 ёш. Ўзи эса онкологик хасталиги туфайли биринчи гуруҳ ногирони. Бахтга қарши турмуш ўртоғи ҳам оғир бетоб.

Дилрабо Каримова аёлнинг уйига келиб, тиббий муолажалар олиб боради. Бу-нинг учун мутасадди ташкилот томони-дан унга ойлик маош белгиланган.

– Г.Ҳакимова билан битта маҳаллада тура-миз, – дейди Д.Каримова. – Шу боис унга тиб-

бий хизмат кўрсатиб келяпман. Аммо икки ойдан буён иш ҳақимни ололмаяпман. Бу ма-салада тегишли ташкилотга мурожаат қил-дим, афсус, натижа бўлмади.

Шу важ билан Ўзбекистон касаба уюшма-лари Федерациясининг 1211 рақамли «Ишонч

1211 эшитади...

телефони»га йўллаган мурожаатидан сўнг унинг ойлик маоши тўлаб берилди.

– Эрта-ю кеч беморнинг ёнидаман, – дей-ди ҳамшира. – Шу боис у билан жуда яқин бўлиб қолдик. Мана шу маошни ҳам Г.Ҳаки-мовага бермоқчиман. Атрофимизда ўзгалар ёрдамига муҳтожлар борлигини унутмас-лигимиз керак. Дунёни меҳр-оқибат қутқа-ради, деб бежиз айтишмайди. «Ишонч теле-фони» бор бўлсин!

Анваржон ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»





Бугун ҳам иш вақти одадагидек қизғин бошланди. Беш дақиқалик йигилишда бош шифокор Нилуфар Ғойипова бир-ламчи тиббий хизматнинг жамият ҳаётидаги ўрнини алоҳида таъкидлади. Патронаж хизматини талаб даражасида йўлга қўйиш орқали касалликларни барвақт аниқлаш, оғир асоратларнинг олдини олиш мумкинлигини қайд этди. Қандли диабет, юрак-қон томир касалликлари профилактикасида патронаж ҳамшираларининг эътибори ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини яна бир бор эслатди.

Раёно ёндафтарчасига топшириқларни ёзиб олар экан, кеча худудидagi Реймажон она айтган гапларни эслади: «Бундай дорилармон кунларни болалигимизда орзу ҳам қилмасдик. 50-60 ёшлар кекса саналарди. Қанчадан-қанча бедаво касалликлар бор эди. Номларини ҳам билмасдик. Қанча болалар нобуд бўлди. Дўхтир дегани анқонинг уруги эди. Ҳозир, мана, уйимизга келиб ўтирибсизлар. Бизнинг соғлигимиз ҳақида ўзимиздан ҳам кўп қайғурасизлар», онахон шундай дея узундан узоқ дуо қилганди.

Ҳақиқатан, ёши катта инсонлар сони ошиб бораётти. Бундан ўн йиллар аввал поликлиникада 20 нафар 90 ёшдан ошганлар рўйхатда турарди. Ҳозир уларнинг сони 100 нафардан зиёд. Учтасига ўзи патронаж хизмати кўрсатади. Бош шифокор айтганидек, ижтимоий касалликлар профилактикаси кучайтирилса, бу кўрсаткич янада ошиши мумкин.

Йигилишдан сўнг Раёно амалиётчи ҳамшира Дилафрўз Эгамовадан бугун бориши лозим бўлган хонадонлар рўйхатини олди, оилавий шифокор Мехрибон Сапаева билан маслаҳатлашиб, йўлга тушди.

Дастлаб Собировлар хонадонига борди.

– Келганинг яхши бўлди, тез-тез чарчаб қоляман, ҳадеб уйқум келяпти, – 72 ёшли Ҳожарбиби опа патронаж ҳамширани кўриши билан шикоят қилишни бошлади.

– Ҳозир қон босимингизни ўлчаб қўяман, қонингиз бироз қуюқлашган шекилли, – Раёно онахоннинг қон босимини ўлчади, ҳақиқатан ҳам, бироз кўтарилибди. – Ҳар куни ҳовлингизни икки марта айланмасангиз бўлмайди. Қишда бир хонада ўтирганингиз учун ҳам мажолингиз қочган, хамир овқатларни камайтириб, кўпроқ суяқ овқат ичишингиз керак. Хоҳласангиз, ҳозир врач қабулга ёздираман.

– Қўйсанг-чи, болам, навбатда ўтиришни ёқтирмайман.

– Нега кутаркансиз? Келинингизнинг телефонига «DMEB» иловасини юклаб бергандим-ку, шу орқали ёзилиб, белгиланган вақтда борасиз. Бир дақиқа ҳам навбатда ўтирмайсиз. Юз ёшларга етай десангиз, ўз вақтида тиббий кўриқдан ўтишингиз керак.

– Майли, қани, синаб кўрайлик-чи. Поликлиникага бормаганимгям икки йилча бўлиб қолди. Бизнинг одамлар йиқилмагунча дўхтирга бормайди ўзи.

Ҳожарбиби онани оилавий шифокор қабулга ёздирди. Тушдан кейин борадиган бўлди.

Шундан сўнг Алишеровлар хонадонига йўл олди. Уларникида яқинда қизалоқ дунёга келган. Раёнохон бир ойлик чақалоқнинг вазни, ўсиши, ривожланишини обдон текширди. Аёлга она сутининг аҳамияти, чақалоқни парвартириш, ювинтириш тартиблари, санитария-гигиена қоидалари ҳақида бир қатор тавсиялар берди. Эмлашларни вақтида олишни тайинлади.

Кейин Нуразизни кўргани отланди. 25 ёшли йигит туғма ногирон. Онасининг меҳри, парварishi туфайли шу кунларга етиб келди. Мустақил ҳаракатлана олмайди. Унинг соғлигини кўздан кечириб, зарур тавсияларни берди. Худудига 45 нафар ногирон бор. Уларнинг иккитаси ётоқ касал. Раёно оилавий шифокор тавсияси асосида барчасининг соғлигини назорат қилади. Тез-тез тиббий кўриқка таклиф этади. Поликлиникада уларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш учун барча чоралар кўрилади.

Шу тариха етти хонадонда бўлиб, поликлиникага қайтди. Амалиётчи ҳамширага қилган ишлари бўйича ҳисобот берди. Бу пайтда Ҳожарбиби она тиббий кўриқлардан ўтиб, уйига қайтаётган экан.

– Поликлиникамиз шунчалик ўзгариб кетибди-я. Бошқа жойга келиб қолдимми, деб ҳайрон бўлдим. Айтганингдай, бир дақиқа ҳам кутиб ўтирмадим. Мехрибон дўхтир олдин ўзи обдон текширди, кейин қайси дўхтирларга учрашимни айтди. Қўлимга қоғоз-поғоз ҳам бермади. Ҳамма хоналарнинг тепасига узоқдан кўринадиган қили рақамлари, қандай хизмат кўрсатилиши ёзиб қўйилган экан. Текширувлардан ўтиб бўлганимдан кейин дори-дармонларни ҳам беғул беришди. Барака топинлар, – деди онахон.

Раёно Норбоева фаолият юритаётган Урганч шаҳридаги 3-оилавий поликлиника 40 мингдан зиёд аҳолига бирламчи тиббий хизмат кўрсатмоқда. Бунинг учун 160 нафар ходим камарбаства. 19 та тиббий бригада шакллантирилган бўлиб, уларда 40 нафар патронаж ҳамшира аҳоли саломатлигини йўлида сидқидилдан меҳнат қилмоқда.

Поликлиника бу йил очик бюджет лойиҳасида ғолиб бўлиб, тўлиқ таъмирдан чиқарилди. «Тиббиётда 90 кунлик ўзгаришлар вақти» лойиҳаси доирасида бир қатор муҳим ишлар амалга оширилди: электрон рўйхатхона фаолият бошлади, аҳоли учун қўлай кутиш жойлари яратилди. Ахборот монитори ўрнатилди. Бу эса аҳолини тўлиқ тиббий кузатув билан қамраб олиш имконини яратди.

Раёно ва унинг ҳамкасбларидан яратилган шaroитларга яраша меҳнат қилиш талаб қилинади. Поликлиника бош шифокори Нилуфар Ғойипова кўп таъкидлаганидек, патронаж бу фақат қон босимини ўлчаш ёки дори тавсия қилиш эмас, бу инсон билан доимий мулоқот, унинг турмуш тарзи, руҳий ҳолати, оилавий муҳитига билишдир. Касалликнинг илдизи кўпинча ана шу омиллар билан боғлиқ бўлади.

– **Тиббий бригадамизда оилавий шифокор, амалиётчи ҳамшира, патронаж доя, икки нафар патронаж ҳамшира ишлайди. 2050 нафар аҳолининг 1050 нафарининг саломатлигига мен масъулман. Худудимда 3 нафар 90 ёшдан ошганлар, 48 нафар кексалар, 12 нафар бир ёшгача, 105 нафар 5 ёшгача бўлган болалар, 45 нафар ногирон бор. Уларнинг соғлигини алоҳида назорат қиламиз. Бириктирилган аҳолига режага мувофиқ касалликларнинг олдини олиш ва соғлом турмуш тарзи бўйича тушунтириш ишларини олиб борамиз, – дейди Раёно Норбоева.**

Ҳақиқатан ҳам, Раёно иш жараёнида нафақат тиббий, балки ижтимоий ва психологик муаммоларни ҳам аниқлашга ҳаракат қилади. «Эко-карта» орқали ҳар бир оиланинг ҳолати таҳлил қилинади, аниқланган муаммолар тиббий бригадада

Нафънинг агар халққа бешакдурур

Билки, бу нафъ ўзунга кўпракдурур.

Алишер Навоий

Очерк

РАЪНО ДЎХТИР

“**Раёно ва унинг ҳамкасбларидан яратилган шароитларга яраша меҳнат қилиш талаб қилинади. Поликлиника бош шифокори Нилуфар Ғойипова кўп таъкидлаганидек, патронаж бу фақат қон босимини ўлчаш ёки дори тавсия қилиш эмас, бу инсон билан доимий мулоқот, унинг турмуш тарзи, руҳий ҳолати, оилавий муҳитига билишдир. Касалликнинг илдизи кўпинча ана шу омиллар билан боғлиқ бўлади.**

муҳокама этилади, маҳалла фаоллари билан ҳам-жихатликда ечим топилади. Айниқса, кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар доимий эътиборда.

Ёш оналар билан ишлаш ҳам патронаж хизматининг муҳим йўналишларидан. Поликлиника ташкил этилган «Оналар мактаби»да тажрибали ҳамширалар ёш оналарга бола парварishi сир-асоратларини ўргатади. Натижада кўплаб касаллик ларнинг олди олинади, болалар соғлом улгайишига замин яратилади.

Поликлиника давлат тиббий сугуртаси жағфармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилмоқда. Шу сабабли ҳар бир патронаж ҳамшира худуддаги фуқаролар билан шартномалар тузди. ДМЕД тизими орқали фуқаролар шифокор қабулига уйда ўтириб ёзилиш имконига эга бўлди. Илмий ёлби беморларнинг ихтисослаштирилган муассасаларда даволанишлари учун йўлланмалар ҳам электрон тарзда берилиши ортқича оворагар-чиликларнинг олдини олмақда.

– Поликлиникамиз амалиётчи ҳамширалари ҳар куни «DMEB» тизими орқали режали тиббий текширувдан ўтказиладиган аҳоли режасини шакллантиради, скрининг натижаларини электрон тиббий картага киритади. Бу жараён қоғозбозлиқни камайтириб, тахшиш аниқлигини оширади, – дейди поликлиника бош ҳамшираси Мукаддас Аллаберганова. – Поликлиникага кела олмайдиган аҳоли вакиллари патронаж ҳамшира томонидан уй шароитида кўриқдан ўтказилади. Бу шифокорга ҳам, беморга ҳам қўлай. Энг муҳими, хавф гуруҳига мансуб беморлар ўз вақтида аниқланиб, тезкор ёрдамга эга бўляпти.

Беғул дори-дармонлар билан таъминлаш тизими эса кўплаб беморлар учун ҳақиқий енгиллик бўлди. Электрон рецепт, СМС-код орқали дори-ларни олиш тартиби одамларни ортқича навбат ва сарсонгарчиликдан халос этди.

– 1987 йилда Урганч тиббиёт билим юртини таъмолаб, иш бошлаган даврларим билан бугунги тиббиёт ўртасида осмон билан ерча фарқ бор. Дастлабки фаолиятимни вилоят болалар шифохонасида бошлаганман. 2009 йилдан бери эса поликлиникада ишлайман. Патронаж ҳамшира сифатида ҳар куни ўнлаб одамлар билан учрашаман, турфа тақдирларга тўқнашаман. Асосийси, уларни қийнаётган муаммоларга жамоам билан ечим топаман. Соғлигини сақлашга ҳисса қўшаман, бундан фахрланаман, – дейди Раёно.

Ҳеч эсидан чиқмайди. Утган йили навбатдаги манзилга етиб борганида, эшик очик, дахлизда 60 ёшлардаги аёл ухлаб ётарди. Яқинроқ бориб билди-чи, у хушсиз. Зудлик билан тез тиббий ёрдам қақирди. Ўз вақтида тиббий хизмат кўрсатилиши натижасида оғир асоратнинг олди олинди.

Маҳалладаги 40 ёшдан ошган аёлларни скрининг текширувига уйма-уй юриб таклиф қилгани натижасида, 10 нафардан ортқч аёлда саратон олди касалликлар аниқланди ва ўз вақтида даволанди.

Беш ёшгача бўлган болаларнинг ривожланишини назорат қилиш тадбирларининг ҳам самараси катта бўлмоқда. Умуман олганда, патронаж ҳамширалар орқали тиббий хизмат ҳар бир хонадонга кириб бормоқда.

Патронаж ҳамшира учун иш вақти соат билан ўлчанмайди. Унинг меҳнати одамлар саломатлиги, хотиржамлиги ва эртанги кунга бўлган ишончи билан баҳоланади. Шу маънода, Раёно Норбоева каби фидойи тиббиёт ходимлари бирламчи тиббий хизматнинг ҳақиқий таянчи, жамият саломатлигининг муҳофизлабдир.

Муҳаббат ТўРАБОВА
«ISHONCH»

Туйғу

ТОМИР

Акамнинг ҳикояси

Синфдош жўралар билан Омонхонага борар бўлдик. Зиёратга. Ул юксак тоғлар орасида бир муштипаримиз – аммамнинг қизи – Санобар амма яшайди. Омонхонанинг хўжаларига тушган.

Ўн беш-ўн олти чоғли бўзболалар – битта-иккитаси демаса, ҳали кўпи бўйдоқ бахтиёр йигитлар трактор аробасига мингашиб, Омонхонага уч соат деганда етиб бордик. Мўлжал – амманинг уйи. Кўноқ бўламиз. Минсанг, оёгинг ерга тегмайдиган иккита серкани олганмиз. Жундан тортсанг, мойи томади қуруғларнинг... Қурбон бўлишни сезгандай йўл бўйи иккови сузишиб борди.

Жездамиз бизни кутиб олди. Аввалига айвонда сал ажабланиб турди-да, мени танигач, кирза этикни қўлантаёқ кийиб, биз сари юрди. Қовун-тарвуз, помидор-бодринг, узум-пузум дегандай бир дунё егулик... Ўзи шу бизнинг халқни овқат ҳам майиб қилиб ташлайди-эй! Ҳалиям табият сийлаган, қуёш, хаво...

Шуйтиб, жезданинг изидан чиққан аммажоннинг «Ўлайин-да тоғамнинг боласига...» деган алқови орасида тўрдаги сомонсувоқ уйга тортдик.

Дуон хайрдан сўнг, почча ва аммага син солдим:

– Энди, жезда, сиз билан аммамни орқа қилиб, болаларга катта гапириб келабердик-да?..

– Эй, айланайлар, шуям гапми, биров келмай қолса, жездангиз ҳам тўрсаберида ўзи... – аммам олғирлик қилиб оғзимдан гапимни юлди.

Сўнгра жездамиз ҳам тилга кирди:

– Биноий қилибсизлар-да, йигитлар. Уйлар тинчми, ҳамма хешлар яхшими?

– Шукр, Худога шукр...

Мезонлар бизни бир муддат холи қолдиргач, ҳазил-чин гурун қилиб ўтирдик. Амма дастурхон олиб кирди. Мени қўямасдан тўрға ўтказди:

– Қариндошнинг товуши қоронғида беллиги... Бир кеп қонсан, устудент бўп бир тишлам этинг ҳам қомапти, жўраларингнги қара. Тўрға ўт...

Ошналар ҳам «ўт-ўт»лайвергач, юқоридан жой олдим.

Шу маҳал хонага уриниброқ қолган беқасам чопонни майкачан баданга кийган, қўлида қумқайроқ ва пичоқ тутган жездамиз кирди.

– Ҳей, қайнлар, бир-икковинг, менга қарашиб юборинглар. Анов серкалар Қумқўрғонга қайтиб кетсакми, дейишяпти...

Жўраларнинг учови ириб ўрнидан

турди. Аммам бечора бўлса, нукул қандкурс ташийди...

Бир пайт биз хонада ўндан зиёд болалар ёлғиз қолган чоғимиз эшикдан қўйлақчасининг ёқаси киргина уч ёшлардаги қизалоқ кўриниш берди. Жездага куйиб қўйгандай ўхшайди. Англадимки, қизининг қизи – невараси...

Қизчага даврандан барча бегубор гўдақларга қилинажак ярим самимий, ярим сохта мулозаматлар ёғилди: – Эй, асал қиз, келинг-келинг. Сирғачаси тиллами дейман-да...

– Отинг нима, кимнинг қизи бўласан?

– Тарвуз емайсанми?.. Қизалоқ бу гапларга парво қилмай, қўлини орқасига бириштириб, ер остидан ҳар биримизга бир-бир қарар, сомонсувоқ деворга елка бериб турарди. Кейин ўзига эътибор сал сусайганини англаб, ёнбошига юра бошлади – тўрға, ўтирганларнинг орқасидан, девор бўйлаб...

Қутилмаганда у менинг ёнимга кеп қолди. Худди биров ўргатгандай, секингина қаватимга чўкди ва... Ишонсизми, тиззамга қўлчасини қўйди... Бошини кўтариб юзимга қаради... Воҳ, тиззамда турган митти қўллари вуҷудимни ёндириб юборгандек бўлди. Нигоҳидаги Бойсун самосидай бекин поклик, томирларида югурётган ҳатнинг ложувард хабарлари, Аллоҳнинг қудратидан нишон бўлиб мени сеҳрлади. Шу чоқ рўпарамдаги синфдошнинг менинг қарашига кечаётган хисларни гўёки тинглагандек овози келди:

– Ошна, кўрдингми, қон тортди... Конфет узатдик, тарвуз узатдик, бизга қарамади-да, сенга борди.

Қизчанинг ярим бўгингина ўсган, пахмоққина сочларидан ўйиб қўйдим... Қизалоқ ийманибгина қўлини ярим чўзиб дастурхонда турган тарвузга имо қилди. Кўзи эса менда! «Жоним билан! Сендан тарвуз айлансин, лалмининг боласи-да...».

Ёзувчи Мурод Мўхаммад Дўстнинг «Толасор» романида Саидқул Мардон деган кўп қайғули персонаж бор. Унинг бу ёруғ оламда бирорта томирдоши, қондош-қариндоши йўқ. Бундан ортқч фожиа борми? Бордир, лекин гап ҳозир бундамас...

Одамнинг ҳам худди чинордай, янтоқдай илдизи бор, томирсиэ ўлади одам ҳам! Ишонинг! Ана шу илдизнинг номи – Ватан!

«Зиёратингиз қабул бўлсин, жўралар! Ватан зиёрати ҳар кундир!»

Шодмонқул САЛОМ

ЭҲЛО



«Elektron Realtor» МЧЖ тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан ташкиллаштириладиган кўчмас мулклар ва уларга бўлган ҳуқуқлар бўйича савдоларга таклиф этади!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 апрелдаги ПҚ-142-сонли қарорига асосан, «O‘zsanobatqurilishbank» АТБ балансида бўлган қўйидаги мулклар савдоларга қўйилмоқда:

- Андижон вилояти, Асака тумани, «Бирдамлик» МФЙ, Жалалиддин Мангуберди кўчаси, 155-уйда жойлашган Шифохона биноси;
- Бухоро вилояти, Ғиждувон тумани, «Ғулистонбод» МФЙ, Чармгарон кўчаси, 315-уйда жойлашган Музлаткич биноси ва музлаткич ускуналари;
- Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, «Баҳор» МФЙ, Тошкент кўчаси, 4-уйда жойлашган 28-хонадон;

- Самарқанд вилояти, Каттақўрғон шаҳри, «Яккабоб» МФЙ, Ингичка кўчаси, 14а-уйда жойлашган Ишлаб чиқариш цехи биноси;
- Самарқанд вилояти, Каттақўрғон шаҳри, «Яккабоб» МФЙ, Ингичка кўчаси, 14-уйда жойлашган Омборхона ва маъмурий бино;
- Сурхондарё вилояти, Шўрчи тумани, «Хўрлик» МФЙ, Асаларичилик кўчаси, 90б-уйда жойлашган Ип қалава фабрикаси комплекси биноси;
- Сурхондарё вилояти, Сариснос тумани, «С.Перозий» МФЙ, Баркамол авлод кўчаси, 34а-уйда жойлашган Хизмат кўрсатиш биноси;
- Сурхондарё вилояти, Қизилқум тумани, «Работак»

МФЙ, 10-Гулзор кўчаси, 53-уйда жойлашган Тўйхона биноси;

– Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамш кўчаси, 5 а-уйда жойлашган нотурар бино-иншоот.

Мазкур мулкларнинг сотилиш шартлари ва нархлари билан **www.e-rieltor.uz** сайти орқали, шунингдек, савдога қўйилган мулклар билан бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Савдода иштирок этиш учун талабгорлар **e-rieltor.uz** платформаси орқали ариза беришлари мумкин.

Колл-марказ: +99855-517-22-20.

Расмий сайтимиз: www.e-rieltor.uz

Хизматлар лицензияланган.

Ўлмас Оллоберганов
ижросида

«Келиб-кетган»
қўшиғи

Мароқли дам олинг, азиз газетхон!

*Бу дунёга сену мендек не инсонлар келиб-кетган,
Неча гулгун баҳор бирла зимистонлар келиб-кетган,
Бунн билгай фақат тупроқ, ва ле унда забон йўқтур,
Замонлар гоҳида тору чароғонлар келиб-кетган.*

Сулаймон Шодиев сўзи

MUASSIS: O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi ISSN 2030-5002 2007-yil 11-yanvarda O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro‘yxatga olingan.	«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalarini tahrir hay‘ati: Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay‘ati raisi), Ulug‘bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDLOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shogqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G‘OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o‘rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas‘ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas‘ul kotib – «Ishonch-Доверие») Bosh muharrir Husan ERMATOV «Ishonch»dan olingan ma‘lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko‘rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.	Bo‘limlar: Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69 Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-82-89 Milliy-ma‘naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79 Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43 Marketing va obuna – (71) 256-87-73 Hududlardagi muxbirlar: Qoraqalpog‘iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20 Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23 Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31 Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12 Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34 Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66 Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26 Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55 Surxondaryo viloyati – (+998-90) 379-19-70 Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44 Farg‘ona viloyati – (+998-99) 889-90-24 Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01 Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93	Navbatchi muharrir: Gulrubbegim ODASHBOYEVA Musahhihlar: Dilorom XUDOYBERGANOVA, Ulida XUDOYBERGANOVA Sahifalovchi: Hasan ABDUJALILOV Bosishga topshirish vaqti – 01:30 Toshirildi – 01:0 Bahosi kelishilgan narxda Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.	Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko‘chasi, 24-uy. E-mail: ishonch1991@yandex.uz Nashr ko‘rsatkichi: 133 Gazetaning poligrafik jihatdan sifati chop etilishiga bosmaxona mas‘ul: Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.	Umumiy adadi 32 079 ta Shundan: 6 073 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Taron ko‘chasi, 41-uyda; 18 125 nusxasi «Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko‘chasi, 270-uyda; 7 881 nusxasi «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg‘ilon shahri, Turkiston ko‘chasi, 236-«b» uyda chop etildi. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma 569 1 2 3 4 5 6
--	---	--	--	--	---